



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ШАХС ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-ХУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ ҲАМДА УЙҒУНЛИГИ

Хошимбоев Асилбек Ғайратжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Аннотация: Мақолада ишни судга қадар юритишда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, жиноят процесси иштирокчиларининг ахлоқий этикалари, ахлоқ ҳамда ҳуқуқ тушунчаларини ўзаро уйғунлаштиришнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинган ҳамда илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ахлоқ ва ҳуқуқ уйғунлиги, процессуал ахлоқий муносабатлар, тергов этикаси, судя ахлоқи, демократик қадриятлар.

MORAL AND LEGAL ISSUES AND COMPATIBILITY OF PROVIDING PERSONAL RIGHTS AND FREEDOMS IN PROCEEDING THE CASE TO THE COURT

Annotation: The article discussed and scientifically analyzed the actual problems of personal rights and freedoms, moral ethics of the participants in the criminal proceedings, the mutual harmonization of the concepts of morality and law in bringing the case to court.

Key words: harmony of ethics and law, procedural ethics, investigation ethics, judge's ethics, democratic values.

КИРИШ

Республикамизда жиноят-процессуал муносабатларда жамоатчилик иштирокини таъминлаш борасида кейинги йилларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. «Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарур».

Суд-тергов органларининг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилиб, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим. Республикамизда жиноятчилик кўрсаткичи, бунда фош этилмаган жиноятларнинг улуши йил сайин ортиб бораётганлиги, ишни судга



қадар юритишда жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, жамоатчиликда тергов идораларига нисбатан ишонч ва хайрихоҳлик ҳиссини ошириш борасида илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Бугунги кунда юртимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар негизида, авваламбор, Конституциямизда белгиланган халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги ҳамда давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги қонидани амалда татбиқ этиш ғояси илгари сурилмоқда. Юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойил, барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятининг асосий қондасига айланмоғи лозим.

Давлат раҳбари томонидан «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» ПФ-60-сонли Фармонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозимлиги белгилаб берилди.

МУЛОҲАЗАЛАР

Давлатимиз томонидан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият деб белгиланганлиги ҳамда қонун устуворлиги, жиноятга жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаганлиги демократиянинг ёрқин ифодаси ҳисобланади. Тарихий-тажриба шуни кўрсатадики, давлат ўз мақсадларига эришиш учун инсон ҳуқуқларини эътиборсиз қолдириши, унинг манфаатларига зиён етказилишига кўз юмиши, бундан ташқари шахсни жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида эътироф этилмаслигига бир қанча мисоллар мавжуддир (*масалан: сиёсий элита вакиллари ҳамда аъзоларни таъқиб ва репрессия қилишдир. Совет даврида ҳуқуқ ҳимоячилари, жамоат арбоблари ва ҳокимиятга норози бўлиб фикр билдирган бошқа фуқаролар жиноий жавобгарликка тортилган*). Аммо жиноятчиликка қарши курашишнинг ахлоқий меъёрларига кўра, бу шахснинг ҳуқуқларини жиддий равишда чекланиши демакдир. Одил судловни



амалга оширишда фақатгина айбловни қўллаб-қувватлашгагина эмас, балки таниқли рус олим Лазаревнинг фикрича, давлатнинг куч тузилмалари либерал қадриятларга ёъналтирилиши, шахсий ҳуқуқларнинг устувор деб тан олиниси ва жиноят процессининг вазифаларини сиёсатдан олиб ташлаш, жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ўз ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилиш учун умид беришини билдирган.

Шуни таъкидлаш керакки, ишни судга қадар юритишда агар айбланувчи ўзига қўйилган айбловлар билан рози бўлса ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига далилларни тўплаш ва текширишда ёрдам берса, бутун тергов жараёнининг муддати қисқартирилади, яъни. жиноят иши кўзғатилган пайдан бошлаб, иш бўйича якуний суд ҳукми чиқарилгунга қадар одатдагидан кўра камроқ вақт сарфланади, бу эса жиноят процессида оқилна муддат тамойилини амалга оширишнинг алоҳида тартибини жорий этишга ҳамда жиноят ишларини қисқа муддатларда самарали кўрилишидан далолат беради. Бутун жиноят процессни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш давлат маблағлари ва мансабдор шахсларнинг кучларини энг кам сарфлаган ҳолда дастлабки тергов ва суд жараёнини ўтказишга имкон беради.

Жиноят процессуал муносабатларда ахлоқ масалаларини кўриб чиқсак, унда амал қиладиган тамойиллар ҳақида алоҳида фикр билдириш мақсадга мувофиқ эмасдир, чунки ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар албатта ахлоқий тамойилларни ўз ичига олади ҳамда бевосита ҳуқуқ сўзининг фалсафий-юридик таърифи ҳам айнан хулқ-атвор қоидаларини мажмуидан келиб чиқади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида жинойий жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқларига зарар етказиш, уларни камситиш ёки муайян даражада ҳуқуқларни чекланиш ҳолати жиддий қораланади, муҳокамаларга сабаб бўлади ҳамда айрим давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, айнан юқоридаги сабаблар туфайли давлатга қарши норозилик намойишлари, ноқонуний митинглар, намойишлар юзага келади ҳамда бу жараён тобора кескин тус олиб, оммавий тартибсизликлар келтириб чиқараётганини, бундай ҳолатларга доимий шай туришни ҳозирги замоннинг ўзи талаб этади.

Жиноятлар ишларини кўришда суд томонидан, кўриб чиқиладиган иш бўйича судянинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳукм чиқаришда холислигини хавф остига қўядиган ҳолатлар мавжуд бўлмаслиги зарур, зеро ҳақиқатни аниқлашига тўсқинлик қиладиган ва одил судловни амалга ошириш қобилиятини заифлаштирадиган, шу тариқа суднинг мустақиллиги ва холислигига тузатиб бўлмайдиган зарар етказган омил бўлган натижасида



инсонни ҳуқуқлари поймол этилиши ҳамда давлатга нисбатан фуқароларда ишончсизлик юзага келиши мумкин. Яъни судья ёки терговчи-суриштирувчилар томонидан алоҳида аҳамиятга эга бўлган, вояга етмаганларга, заиф инсонларга нисбатан зўравонлик қилиш ёки бошқа шу турдаги жиноят содир этган шахсларга адоват ёки бошқача назар билан қаралса, бу процессуал ва ахлоқий нуқтайи назарда хато бўлади. Яъни, бу ерда албатта содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси инобатга олинади, лекин жиноят содир этган шахслар, хоҳ биринчи марта жиноят содир этаётган шахс бўладими ёхуд ўта хавfli рецидивист бўлади уларнинг конституцион ҳуқуқларга бошқа шахслар билан бирдек бўлади. Бундай ҳолатда ҳеч қандай ҳуқуқларни чекланиш ҳолатига йўл қўйилмайди.

Бирор киши бундай меъёрлар билан шуғулланса, у нафақат кўрқув учун, балки виждон учун ҳам уларга бўйсунуш имкониятига эга бўлади. Шунда маълум бўлишича, ҳар бир инсон нафақат қонунга бўйсунуш учун ҳуқуқий, балки ахлоқий бурчга ҳам эга, чунки у ҳолда қонун ташқи хулқ-атворда виждон овози ахлоқий ва адолатли деб тасдиқлайдиган ҳолатни белгилайди. Ушбу ҳолат билан қонун одамдан маълум бўлган минимал ахлоқий ва адолатли хулқ-атворни, яъни ташқи ҳаракатлардаги ахлоқий тўғрилиқни талаб қилади ҳамда шу билан у инсоннинг ахлоқий тарбиясига ҳисса қўшади албатта. Кейин ахлоқ ҳуқуқда кучли ва муносиб қўллаб-қувватлашни топади ва иккала категория ўртасида жонли ҳамда ижодий ўзаро муносабатлар ўрнатилади. Юнон файласуфи Аристотел айтганидек, табиий ҳуқуқда иккала тушунча ҳам бирлашади ва мос келади: ҳуқуқ ҳуқуқ бўлиб қолади, лекин ахлоқий садоқат маъносини олади ва табиий ахлоққа айланади, ахлоқ қонун билан алмаштирилмайди ёки бузилмайди, балки унинг кўрсатмаларига раҳбарлик қилади ва унга “табиийлик” характерини беради.

Социологик ёндашув ҳуқуқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг ижтимоий аҳамиятини англашга ёрдам беради. Уларнинг кенг ижтимоий нуқтаи назардан қабул қилиниши қонун ва қонунийликнинг ўзгарувчан имкониятларини яхшироқ кўриш имконини беради. Ҳуқуқий тоифалар демократия, гуманизм, адолат, инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқлари ва эркинликлари каби жуда кенг тушунчалар билан бир қаторда бўлиб келади. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, уларни ҳимоя қилиш давлат асосий мажбурияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида қонунийлик ва функционарлик ролининг тўғрироқ баҳоланиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳақиқий



ижтимоий роли ва ахлоқий моҳияти, хусусан, унинг турлари сифатида жиноят-процессуал фаолияти тўғрисида тушунча шаклланади.

Ҳуқуқий ва ахлоқий талабларга риоя қилган ҳолда, жиноят-процессуал фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз ташаббуси билан ҳам, жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосига биноан ҳам далилларни процессуал асосларга кўра номақбул деб топишга ҳақлидирлар. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, жиноий ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг ахлоқий асосларини ҳисобга олган ҳолда ва жиноят-процессуал нормаларининг ахлоқий мазмунини ўрганиб чиқиб, юқорида айтиб ўтилганлар ҳолатларга мос келмайдиган алоҳида қоидаларга эътибор қаратиш лозим.

Жиноят процессининг ахлоқий тамойилларини ривожлантириш мунтазам равишда амалга оширилиши керак, айниқса янги Жиноят-процессуал кодексининг нормаларини ахлоқий ва ҳуқуқий мезонларга мувофиқлиги мунтазам текширилиши керак, бу бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши лозим. Шундагина жиноят-процессуал қонунчилиги ахлоқий талабларга жавоб беради ва у томонидан тартибга солинадиган фаолият эркинлик, адолат ва гуманизм тушунчалари билан ўзаро уйғунлашади.

Ҳуқуқнинг айрим тармоқларида ҳуқуқий нормалар маълум ахлоқий тоифаларни тўғридан-тўғри акс эттиради, уларни норматив расмий равишда белгиланган ҳуқуқий кўрсатмалар шаклида белгилайди. Ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусияти шундаки, баъзи ахлоқий меъёрлар қонуний равишда қонун даражасида расмийлаштирилганда ҳуқуқий нормаларга айланиши мумкин ва қонун ҳужжатлари тобора кўпроқ ахлоқий мазмун билан тўлдирилади. Жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам ўз ўрнида бу ҳолатлар билан ўзаро алоқадорликдадир.

Жиноят процессининг принципларида, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқларида ва уларни таъминлашнинг жиноий процессуал кафолатларида ахлоқий таркибни энг аниқ кўриш мумкин. Гуманизм, инсонга ҳурмат, унга ижобий муносабат ва ҳуқуқларига ҳурмат — бу жиноят процессининг моҳияти ва мақсадларини белгилаши керак бўлган ахлоқий тамойиллар ва ғоялар, бу жиноий ишларини юритишда иштирок этадиган шахс ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган кафолатлар тизимидир.

Жиноят-процессуал фаолиятининг ахлоқий мазмунини жиноят процессуал кодексининг амал қилишида, жиноят процессининг



принципларига, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқларида ва уларни таъминлашнинг жиноий-процессуал кафолатларида аниқ кўриш мумкин. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги конституциявий ва халқаро ҳуқуққа риоя қилган ҳолда, жиноят процессининг инсон ҳуқуқлари бўйича тайинланишига тўғри ишора қилди. Жиноят-процессуал фаолиятининг мақсадларини аниқлашда бундай ёндашув зарурати узоқ вақтдан бери умумий ҳуқуқ назарияси билан боғлиқ бўлиб келган.

Ишни судга қадар юритишда ахлоқ нормаларини уйғунлаштириш терговчи, прокурор, судяга қўйиладиган касбий ва ахлоқий талаблар бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини ва уларнинг ахлоқий меъёрларнинг бажарилиши асосан жиноятларни очиш, тергов қилиш ва жиноий ишларни моҳиятан ҳал қилиш муваффақиятини белгилайди. Жиноят-процессуал фаолиятини амалга оширувчи ва ёъналтирувчи шахслар учун ахлоқий меъёрларга бўлган эҳтиёж, биринчи навбатда, уларнинг жиноий процессдаги процессуал ҳолати, ваколатлари чегаралари билан белгиланади. Ушбу нормалар билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжуд: терговчи, прокурор, судянинг у ёки бу сифатда жиноят ишлари бўйича иш юритишда иштирок этадиган шахслар билан муносабатларида, жиноий процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш ва аниқ мажбурий характерга эга бўлган индивидуал тергов ҳаракатларини амалга ошириш этикасида, терговчи ва унинг фаолиятининг қонунийлигини назорат қилувчи прокурорнинг ваколатлари нисбатида, терговчининг адвокат, суриштирув органлари ва суд органлари билан ўзаро алоқасида, прокурор назорати ва суд назорати нисбати ва бошқалар ҳолатларда ахлоқ нормаларини тўлақонли қўллаш ҳамisha долзарб аҳамиятлидир.

Юқорида айтиб ўтилган ва бошқа ахлоқий ҳамда ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда бизнинг нуқтаи назаримиз, билимимиз ва муайян жиноий ишлар бўйича иш юритишда амалий фаолиятимизда жиноий процессуал фаолиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий мезонларини қўллаш қобилиятимизга ёрдам бериши керак. Жиноят-процессуал фаолияти жиноят процессига жалб қилинган шахслар томонидан ҳам, жамият томонидан ҳам, жиноят ишлари бўйича иш юритишни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўзлари томонидан ҳам одил судловни амалга ошириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Конституциявий қоидалар, жиноят-процессуал ҳуқуқи нормалари ва табиий ҳуқуқ, ҳуқуқ ва ахлоқ, адолатли ва адолатсиз



тушунчаларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан, ушбу ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги гуманистик тамойилларнинг ривожланишини ҳисобга олади.

Бундан ташқари, терговчи, прокурор, судянинг шахси, унинг ахлоқий қиёфаси, касбий фазилатлари, ахлоқий-ҳуқуқий маданият даражаси ҳам баҳоланади. Жиноят процессуал фаолият ҳам ахлоқий томондан баҳоланади. Кўп қиррали жиноий процессуал фаолиятнинг барча томонларини баҳолаш учун парчаланмаслик учун биз тизимли ёндашувни қўллашга ва уни баҳолашнинг ахлоқий ва ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Жиноий процессуал фаолиятни баҳолашнинг ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлари фаолиятнинг ўзини ва уни тартибга солувчи қонунчиликни терговчи, прокурор, судя, адвокат ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг шахсини ахлоқий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганишга ёрдам беради. Энг муҳими, улар жиноят — процессуал қонунчилиги ва жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштиришга, унинг самарадорлиги даражасини оширишга, жиноят ишлари бўйича иш юритишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғри ҳимоя қилинишини таъминлашга ёрдам беради.

ХУЛОСА

Ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлиги, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро уйғунлиги туфайли қонун нормалари ҳамда ахлоқ нормаларини ўзлаштириш жиноий процессуал фаолиятни мақсадли тартибга солиш жараёнида эришилиши керак бўлган органик бирликда содир бўлиши керак. Ҳуқуқ ва ахлоқ ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим элементлари бўлиб, улар доимо яқин алоқада бўлиб туради, уларнинг табиати ривожланаётган ижтимоий муносабатларнинг бирлиги билан белгиланади. Жиноят-процессуал ва ахлоқий меъёрларнинг умумийлиги жиноят ишлари бўйича иш юритиш соҳасини тартибга солувчи ахлоқ талабларининг бир қисми норматив — ҳуқуқий консолидацияни олишига олиб келади. Ва шу муносабат билан жиноий процессуал фаолиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлари ҳақида фикр юритиш, муаммоларни кўриб чиқиш доимо ўринлидир. Ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларнинг бирлигини асослаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, тарихан шаклланган ҳуқуқ ва ахлоқ тушунчаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан жиноий процессуал фаолиятни ўрганишда қўллаш ҳуқуқини беради.

А.Д. Бойковнинг таъкидлашича, хатти-ҳаракатлар ва қарорларни баҳолаш мумкин бўлган ахлоқ мезонлари диний ахлоқнинг муҳим элементи



ҳисобланади. Яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ёлғон, адолат ва тарафкашлик ҳақидаги ғояларимиз, қоида тариқасида, кундалик ҳаётда етарли маълумотдир, чунки турмуш тарзи ва тегишли таълим шароитлари таъсири остида шаклланган бу ғоялар маълум бир барқарорлик билан ажралиб туради. Ахлоқий баҳолаш мезонлари сифатида ишлайдиган ушбу ғоялар нуқтаи назаридан, шубҳасиз, нима яхши ва нима ёмон, нима мақбул ва нима айбдор эканлигини баҳолашимиз мумкин. Бироқ, бу тушунчаларнинг барчаси нафақат тарихий ретроспектив ёки синфий талқин нуқтаи назаридан, балки муайян зиддиятли вазиятларга, айниқса, турли хил профессионал гуруҳларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳолатларга нисбатан ҳам ноаниқ эканлигини кўриш мумкин эмас.

Тергов ва суд этикаси бўйича бир қатор монографик ишларнинг муҳим камчилиги ахлоқий ҳодисаларга субъектив — баҳоловчи ёндашувдир. Муаллифлар ахлоқий баҳоларни эълон қиладилар, баъзи ҳаракатлар ва ҳодисаларни юқори ахлоқий, бошқалари эса ахлоқсиз деб эълон қиладилар. Бадиий адабиётда мақбул бўлган ушбу ёндашув илмий тадқиқотларда қабул қилиниши мумкин эмас. Шу муносабат билан, бугунги кунда жиноий процесснинг ахлоқий тамойилларини янги фундаментал илмий ўрганиш, жиноий процессуал фаолиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий мезонларини илмий асосланган аниқлаш, уларни қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида таснифлаш ва улардан фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Масъул муҳаррир проф. Ғ.А.Абдумажидов. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. –Б. 48;
4. Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик /З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Тошкент: Адолат, 2007. –Б.33.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “ Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони.



6. Владимиров Л. Е. Учение об уголовных доказательствах (общая часть). – Харьков, 1988. – С. 161.
7. Lupinskaya P. Основания и порядок принятия решений о недопустимости доказательств. // Российская юстиция. -1994. -№ 11. –Б.42.
8. Конин В.В. Презумпция невиновности: точка зрения защиты // Принцип презумпции невиновности и его значение на современном этапе. Сборник научных трудов/ под общей редакцией д.ю.н. проф. Т.С.Волчецкой. Издательство Калининградского государственного университета, 2001. –С.51.
9. Ишни судга кадар юритишда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари // МД Ботаев, МА. Аълохонов — Cyentral Asian Academic Journal of Sciyentific Research, 2022
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [хттп://уза.уз/оз/програмс/сог-лом-бола-йили/збекистон-республикаси-президенти-шавкат-мирзийеевнинг-олий-22-12-2017/](http://uza.uz/oz/program/sog-lom-bo-la-yili/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-olii-22-12-2017/) (30.01.2021).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» ПФ-60 сонли Фармони [хттпс://стратегй.уз/индекс.пхп?статис=о_стратегии](http://strategiy.uz/index.php?statisc=o_стратегии) (Мурожаат қилинган сана: 31.01.2022).